

Аллоҳнинг раҳмати айбларимизни беркитди



07:31 / 23.10.2019 1626

Умар ибн Солиҳ Саъдий раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: «Обид Абдулазиз ибн Сулаймонни тушимда кўрдим. У яшил кийим кийиб олган, бошида дурдан тож бор эди. «Эй Абу Муҳаммад, аҳволингиз қандай? Жон топшириш қандай бўлар экан? У ерда нималар бўляпти?» деб сўрадим. «Ўлим азоби ва ташвишлари ҳақида сўрамай қўявер. Аллоҳнинг раҳматигина барча айбларимизни яширди. У Зот бизни фақат Ўз фазли билан қабул қилди», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан